



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 211 (12.022)

Баҳоси эркин нарҳда

**Ёшларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, илм олиб касб-хунар ўрганиши, ватанпарвар, маънавияти юксак бўлиб шаклланиши масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Ёшлар — келажакимиз ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАРГА ЎҚИТИЛМОҚДА

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шу маънода Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Прогресс» ўқув маркази ҳам ёшларга қизиқишлари, интилишларига қараб қўллаб-қўллайдиган замонавий касбларга ўқитиш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказда ҳозирда йигит-қизлар алоҳида қизиқиш билдираётган, меҳнат бозорига талабдор бўлган компьютер сабоқлари, тикувчилик, қандалтапчилик, миллий ва Европа таомлари, парда тикиш, сартарошлик, инглиз, француз, корей, турк, рус тили каби беш ойлик курсларда оқовчилар ўқитилмоқда. Барча шароитлар яратилган ўқув марказида ўқиш тугаган, сертификат топширилади.

Мустиқиллик шарофати билан ёшларимизнинг жисмонан бақувват, билимли, малакали мутахассис, она Ватанига меҳр-муҳаббатли инсон бўлиб етишишида имкониятлар эшиги кенг очилган, — дейди «Прогресс» ўқув маркази раҳбари Доно Шарифбоева. — Булардан унумли фойдаланган ёшлар бугунги кунда бемалол бир неча хорижий тилларда сўзлаша олмақда, замонавий технологиялардан унумли фой-

даланмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, улар дунёвий билимларни эгаллаш билан бирга, миллий қадриятларимизни эъозлаб, хунармандчиликнинг сир-асрорларини кунт билан ўрганишмоқда. Масалан, яқинда француз тили курсини битириб кетган қизимиз Наргис Мамаюсупова миллий хунармандчиликнинг каштачил йўналиши бўйича шугулланади. Мактаб ёшидан гўзал хунарга қизиқиб, ҳозирда қўллаб-қўллайдиган, ярмаркаларда ҳар бир ипак қатига меҳрини қўшиб тиккан маҳсулотлари билан катнашиб, нафақат нуфузли хайъат аъзолари, балки таширф буюрувчи минглаб кишилар эътирофига сазовор бўлиб келяпти.

Ўқув марказида ўз билимлари, касбий кўникмалари, ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашган ҳолда ўқувчиларга устозлик қилаётган моҳир кўлли тикувчи Гулбахор Зайнутдинова, хорижий тиллар мутахассислари Елена Ким, Антонина Кимлар ҳар бир курсда янги лойиҳа, гоаяларни қўллашга

ҳаракат қилиб, фаолият кўрсатишмоқда. Ёшларга жаҳон андозлари даражасида билим бериш, касб-хунар ўргатиш, интилишларини рағбатлантириш — давр талаби эканлигини жамоа аҳли тўғри англаган.

Дарҳақиқат, пойтахтимизда бу каби ўқув марказлари оз эмас. Энг муҳими, рақобат мукхитида ўсиш бўлади, ўсиш бор жойда эса тараққиёт юзага келади. Сирасини айтганда, замонавий таълим марказларида яратилган шароит, ўқитувчиларнинг касбига садоқати ёшларнинг фикрлашида, тафаккур доирасининг кенгайишида илгга, касб-хунарга бўлган қизиқишининг кучайишида, қалбиди уртига, халқига нисбатан меҳрини мустаҳкамлашда бекийёс аҳамият касб этади. Бу келажакда албатта, ўз меваларини беради.

**Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА**  
**СУРАТДА: «Прогресс» ўқув маркази ҳаётиндан лавҳа**  
**Козим Улмасов олган сурат**

### АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ҲИЛЛАРИ КЛИНТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Ҳиллари Клинтон 2011 йил 22-23 октябрь кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

### ЎЗБЕКИСТОН-GERMANYA: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

**«Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий кунлари» тadbiri доирасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегацияси аъзолари Германияда бўлди.**

Тadbир давомида унинг қатнашчилари Ўзбекистоннинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, юртимизда хорижлик сармоядорларга яратилган қулай шарт-шароитлар ва қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик» Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилишига доир маълумотлар билан атрофлича танишдилар.

Бунда Ўзбекистон иқтисодий тармоқларининг изчил ривожланаётгани ҳамда тобора ўсиб бораётган истеъмолчилик бозорига асосий урғу берилди. Маълумки, республикамизда хориж сармоясини жалб этиш ва энг янги технологияларни қўллаш йўли билан юқори технология асосида экспор-

тга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш базасини яратишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техникавий-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича қатор аниқ-равшан чора-тadbирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шунингдек, тadbир қатнашчиларининг диққат-эътибори 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурнинг асосий жиҳатларига қаратилган экан, мазкур Дастур республикада умумий қиймати қарийб 50 миллиард АҚШ долларини ташкил қиладиган 500 дан ортиқ лойиҳани амалга оширишни кўзда тутиши алоҳида қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

### Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

### УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР — БОШ МЕЗОН

Авал хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тadbирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши ва бошқа қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими вази фасини бажарувчи Раҳмонбек Усмонов олиб борди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида Юртбошимиз томонидан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» илгари сурилиб, жамиятимизнинг асосий тараққиёт йўналишлари белгилаб берилган эди.

Мазкур масала юзасидан ахборот берган шаҳар ҳокими ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмақлашувчи комиссия-сига ёрдам берувчи шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳи раиси, Сенат аъзоси Фарида Абдурахимова таъкидлаганидек, барча туманларда ишчи гуруҳлари тuzилган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг барча сайлов округларида аҳоли билан ўтказиладиган учрашувлар жадваллари ишлаб чиқилиб, сенаторлар, шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан уч юздан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Учрашувларда асосан аҳолининг барча қатламлари, суд-хуқуқ тизими ходимлари, маҳалла фаоллари, шу тумандан сайланган депутатлар, сиёсий партиялар вакиллари, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ аъзолари, тиббиёт ва таълим тизими, коммунал соҳа ходимлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)

### ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ДАРАЖАСИДА

**Мамлакатимиз алоқа ва ахборотлаштириш ташкилотлари вакиллари пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро семинарда Словения, Литва ва Қозогистондан ташриф буюрган ҳамкасблари билан биргаликда Ўзбекистонда стандартлаштириш ва техник тартибга солиш тизимининг ҳолати ҳамда бу йўналишдаги халқаро тажрибани муҳокама қилишди.**

Тadbир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Unicon.uz» — Фан-техника ва маркетинг тadbиротлари давлат унитар корхонаси ҳамда Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти томонидан ташкил этилди.

Юқори технологиялар ва имкониятлар даврида турили техника ва технология меъёрлар, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги меъёрларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги ишларда техник тартибга солиш мамлакатини илмий-техник ва иқтисодий ривожлантириш даражасига жавоб беришини, илмий ютуқлар ва иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига мос равишда техник меъёрларни мунтазам қайта кўриб чиқишга қаратилган бўлишини эътиборга олиш зарур.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш — «Устандарт» агентлиги бош директори А.Абдувалиев ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида алоқа, ахборотлаштириш соҳаси ва софтвер саноатида стандартлаштириш ҳамда техник тартибга солишни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилганини таъкидладилар. Бу борада ўндан ортиқ тегишли қонунлар,

Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Хусусан, «Стандартлаштириш тўғрисида»-ги, «Метрология тўғрисида»-ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги ва бошқа қонунлар амалда қўлланилмоқда.

— Ўзбекистон стандартлаштириш ва техник тартибга солишни ривожлантиришнинг энг муҳим босқичида турибди, — дейди «Iskratel» компаниясининг (Словения) техник директори, Халқаро алоқа академияси академиги Драго Желнич. — Биз Ўзбекистон бозорига 1995 йилдан буён фаолият кўрсатмоқдамиз. Ҳамкорлик давомида юртингизда жорий қилинган меъёр ва талабларнинг халқаро стандартларга мос келиши ҳамда бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашни истардим. Бунинг натижасида ишлаб чиқарувчиларнинг жавобгарлиги ва улар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ошмоқда, технологик ускуналар модернизация қилинмоқда.

Семинарда стандартлаштириш ва техник тартибга солиш соҳасидаги халқаро тажриба ва уни Ўзбекистонда қўллаш масалалари кўриб чиқилди. Бу борада изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар салмоқли натижалар бераётгани таъкидланди.

**Сардор ТОҶИЕВ,**  
**ЎЗА муҳбири**

### ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Ахборот хизмати ва ўз муҳаббатларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** 1-Тошкент педагогика коллежида Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси ва туман ФХДЭ бўлими ҳамкорлигида «Оила — муҳаббат қасри» мавзусида ўқув машғулотини ўтказилди.

✓ **КЕЧА** «Камолот» ЁИХ Олмазор тумани бўлими Кенгаши ва 119-мактаб бошланғич ташкилоти биргаликда «Кувноқ эстафета» ўйинларини ташкил этишди.

✓ **ТОШКЕНТ** туризм касб-хунар коллежида бўлиб ўтган адабий кеча «Она тилим — жони дилим» деб номланди.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Камолот» ЁИХнинг «Етакчи» ёшлар марказида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

• Республика Болалар кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида «Тил — миллат кўзгуси» мавзусида тadbир ташкил этилди.

• Урганч шаҳрида «Darital-Textil» масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсата бошлади. Калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу корхонага Германия ва Швейцариядан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилган, бу ерда йилига 2 минг тонна пахтачи қайта ишлаш имконияти яратилди.

• Бекобод туманидаги «Зафар-Далварзин» фермер хўжалигида сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди. Бунинг учун хўжаликнинг ўз даромади ҳамда банк кредити ҳисобидан 100 миллион сўм сарфланди. 20 нафар йигит-қиз ишли бўлган цехда мавсум якунига қадар 7 тонна сабзавотни қайта ишлаб, киш дастурхонига тортиқ этиш режалаштирилган.

• Андижон вилоятининг Жалакудуқ туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

• Бухородаги пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Бухоро-типс» қўшма корхонаси жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида 150 минг АҚШ долларлик куруқ қурилиш қорималарини чет давлатларга экспорт қилди.

• Қарши шаҳрида «Янги авлод — 2011» республика болалар ижодиёти фестивалининг Қашқадарё вилоят босқичи қянланди. Ушбу тadbирда 420 нафардан зиёд ижодкор болалар мумтоз мусиқа, вокал, миллий чолғучилик, рақс, шеърят ҳамда тасвирий ҳамда амалий санъат йўналишлари бўйича иқтидорларини намойиш этишди.

• Самарқанд вилояти Жомбой туманида «Altex-International» Ўзбекистон-Буюк Британия корхонаси иш бошлади. Лойиҳа қиймати 4,1 миллион АҚШ долларлик мазкур корхонада йилига 1800 тонна калава ип ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Корхона тўлиқ қувват билан ишлаш бошлагач, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 100 нафарга етади.

### ЖАҲОНДА

• Кеча Испаниядаги ЭТА ташкилотининг Баск айирмачилари қуролли кураши тўлалигича тўхтатилганини эълон қилдилар. Испания бош вазири Хосе Луис Родригес Сапатеро ЭТАнинг ушбу қарорини демократия, қонун ва соғлом фикрнинг тантанаси сифатида баҳолади.

• Москва шаҳри мэри Сергей Собянин ушбу шаҳарга янги ҳудудлар қўшилганидан сўнг пойтахт федерал округи ташкил этилишини маълум қилди.

• Кубадан битта операция ва тўртта кимё терапияси курси муолажасини олиб қайтган Венесуэла президенти Уго Чавес ўзининг рак касалидан буткул фориг бўлганини таъкидлади. Чавеснинг сўзларига қараганда сўнгги тиббий тахлилларга кўра, унинг танасидан рак ҳужайралари топилмаган.

• Туркия курдларга қарши кенг қўллаб-қўллайдиган ҳаракатларни бошлади. Туркия курд ишчи партияси айирмачиларига қарши ўтказиладиган операцияларга 9 мингга яқин ҳарбий хизматчилар жалб этилган. Мамлакат жануби-шарқидан ташқари жанговар ҳаракатлар Ироқнинг шимолидаги бешта туманда ҳам давом этмоқда.

• Италиянинг «Eni» нефть-газ корпорацияси Ҳинд океанининг Мозамбик қирғоқларига яқин қисмида 450 миллиард куб метр атрофидаги йирик газ конини топди. Қондаги қазилган ишлари тўла қувватга чиққач, мамлакат Осиёга йирик газ экспортчиларидан бирига айланади.

ЎЗБЕКИСТОН-GERМАНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Германия Иқтисодий ва технологиялар федерал вазири...

мамлакатлари билан ҳамкорлик департаменти директори М.Хофманн...

«Бундай ҳолат Ўзбекистондаги хорижий сармоялар учун яратилган қулай шарт-шароитлар билан боғлиқдир. «Deutsche Bank» немис тadbirkорларининг...



ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Ўзбекистон Банк-молия академияси яқинда ўзининг 15 йиллик насанини нишонлади.

Тахсил давомида ўз билим даражасини оширишга эришган тингловчилар магистрлик даражасини олиш учун банк молия ва солиқ тизимларидан буюртма асосида юборилган ҳамда академик илмий кенгаши томонидан тасдиқланган мавзулар доирасида диссертацияларини ҳимоя қилишди.

Иқтисодий

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Харидор талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот сифатини ошириб, турларини кўпайтиратган корхоналарда йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда.

Замонавий техникалар қувватидан унумли фойдаланаётган «Bahodir-Baxt» хусусий корхонасида ҳам аҳоли дастурхонига сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш йўлида 65 нафар малакали мутахассис меҳнат қилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими ҳамда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлиги, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қўнучилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор иқтисодларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг Концепцияда белгилаб берилган асосий йўналишлари бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ҳаракат дастури тасдиқланди.

дан 2011 йил 11 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика иқтисодий тармоқларини 2011-2012 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёролни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган.

Сессия кун тартибидagi мазкур қарордан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижроси юзасидан ҳисобот берган Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Раҳмонов, жумладан, шаҳарда жорий йилнинг тўққиз ойи давомида олиб борилган тадбирлар натижасида, 1991 йилгача қўрилган 351 та кўп қаватли уйлarning муҳандислик тармоқлари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилгани, кўп қаватли уйлarning 9708 тасида иссиқлик бўғинлари профилактика қилиниб, 8604 та иссиқлик тизимлари босим остида ювганини кайди қилиб ўтди.

УСТУВОР Йўналишлар — БОШ МЕЗОН

Хар бир маҳалла қошида жамоатчилик комиссиялари тузилиб, худудларда жойлашган кўп қаватли уй-жойлар, мактаб, мактабгача таълим муассасаси, касалхона, поликлиника, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими объектларида куз-қиш мавсумига тайёрлик ишларини жойида ўрганиш йўлга қўйилди.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ КўЛ КЕЛМОҚДА

Аҳоли саломатлигини таъминлашда ишлаб чиқарилаётган, замонавий технологиялар қўлланилаётган озик-овқат маҳсулотларининг сифати катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ярли мажлиси томонидан маъқулланган қўнулар ва қарорлари, Президент фармонлари ва қарорларини ҳамда ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида сенаторлар ва шаҳар Кенгаши депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари ташкил этилди.

Ушбу маҳалла қошида жамоатчилик комиссиялари тузилиб, худудларда жойлашган кўп қаватли уй-жойлар, мактаб, мактабгача таълим муассасаси, касалхона, поликлиника, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими объектларида куз-қиш мавсумига тайёрлик ишларини жойида ўрганиш йўлга қўйилди.

Ушбу маҳалла қошида жамоатчилик комиссиялари тузилиб, худудларда жойлашган кўп қаватли уй-жойлар, мактаб, мактабгача таълим муассасаси, касалхона, поликлиника, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими объектларида куз-қиш мавсумига тайёрлик ишларини жойида ўрганиш йўлга қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2011 йил 31 мартдаги ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2011 йил 6 апрелдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва ўларнинг масъулачилари сайловни тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, 2011 йилнинг май-июнь ойларида Тошкент шаҳридаги барча 476 маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар ўтказилди.

Шунингдек, сессияда Тошкент шаҳрида «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик йили» худудий дастурининг ҳамда Савдо-саноат палатасига оид қўну ҳужжатлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг ҳисоботи бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2011 йил 31 мартдаги ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2011 йил 6 апрелдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва ўларнинг масъулачилари сайловни тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, 2011 йилнинг май-июнь ойларида Тошкент шаҳридаги барча 476 маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2011 йил 31 мартдаги ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2011 йил 6 апрелдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва ўларнинг масъулачилари сайловни тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, 2011 йилнинг май-июнь ойларида Тошкент шаҳридаги барча 476 маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2011 йил 31 мартдаги ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2011 йил 6 апрелдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва ўларнинг масъулачилари сайловни тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, 2011 йилнинг май-июнь ойларида Тошкент шаҳридаги барча 476 маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2011 йил 31 мартдаги ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2011 йил 6 апрелдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва ўларнинг масъулачилари сайловни тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, 2011 йилнинг май-июнь ойларида Тошкент шаҳридаги барча 476 маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар ўтказилди.

Шунингдек, сессияда Тошкент шаҳрида «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик йили» худудий дастурининг ҳамда Савдо-саноат палатасига оид қўну ҳужжатлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва унинг туман Аxbорот-масъулачилик марказлари ходимлари иштирокини кенг жалб этиш, шу билан бирга тadbirkорлик субъектларининг қўнуий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада ошириш каби қатор вазифалар берилди.

**Мамлакатимизда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишга жойлашиши ва келгусида мамлакатимиз олий ўқув юртрларида таълим олиши учун имкониятлар яратиш борасида самарали тизим яратилган.**

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига**

**БАРЧАГА ЎРНАК БЎЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР**

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ армияда намунали хизмат қилган ҳамда ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасини олган йигитларга тест сиволари ақнида энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллнинг 25 фоизи миқдорда қўшимча балл берилди.

Мамлакатимизда собиқ ҳарбий хизматчилар учун яратилган шароитлар келажакда уларга кенг имкониятларни очмоқда ва салоҳиятини намойён этишига кўмаклашмоқда, — дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти раҳбари Шавкат Мавлонов. — Кечагина ҳарбий хизматни ўтаган ва бугун талабалар сафидан жой олган йигитлар ўқиш ва жамоат ишларида ўзининг интилувчанлиги, ташаббускорлиги ва фаоллигини намойён этмоқда. Зеро, армия улар учун ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан чинқиртайдиган, меҳнатсеварликка ўргатадиган ҳақиқий ҳаёт мактабига айланди.

Ушбу университетда армия сафларида муваффақиятли хизмат қилиб, имтиёзли асосда ўқига қирган беш юз нафардан ортиқ талаба тахсил олмақда. Уларнинг тўрт юз нафардан ортиги ўқига тўлов-шартнома асосида қабул қилинган. Президентимизнинг қарорига кўра, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-шартнома бўйича ўқига қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида мазкур ҳаракат фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда, шартномада белгиланган маблагнинг 35 фоизини тўлаб беради.

Улар Ўзбекистон Миллий университетида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти қошида рамзий «Қалқон» номи билан фаолият юритаётган гуруҳга аъзо бўлиб, турли тадбир ва ишхаларда иштирок этиши мумкин. Ушбу гуруҳ аъзолари маънавий-тарбиявий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларининг фаол иштирокчилари бўлиб, пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудини обод қилиш ва бу ерда тартибни сақлаш ишларида фаол кўмаклашмоқда.

**Сардор ТОЖИЕВ,**  
ЎЗА мухбири

**Юртимизда оналар ва болалар саломатлигига қаратилаётган эътибор натижаси ўлароқ, бугун мазкур соҳа янгиланишлар сари юз тутди. Мустақиллик йилларида босқича-босқич қабул қилинган қарорлар, жумладан «Болалиқдан ногиронликнинг олдини олиш борасида туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш Давлат дастури», «Она ва бола саломатлигини муҳофазат қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги ва «2009-2013 йилларда аҳолини репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қонуний асослар тизими соҳа ривожига замин бўлди.**

Амалга оширилаётган ишлар қатори соҳада янги йўналишлар ҳам пайдо бўлдики, шулардан бири неонатология бўлимидир. Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Неонатологиянинг долзарб масалалари: чақалоқларга амбулатор ва шифохона шароитида кўрсатиладиган тиббий ёрдамни такомиллаштириш» мавзусидаги анжуман ҳам мазкур соҳа ривожига ва истиқболга бағишланди. Унда 250 дан ортиқ неонатологлар, педиатр ва умумий амалиёт шифокорлари иштирок этди. Тизимдаги долзарб муаммолар, оналик ва болаликни муҳофазат қилишнинг асосий йўналишлари, репродуктив саломатлик ҳолати ҳамда соғлом боланинг туғилиши масалалари муҳокама қилинган тадбирда

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

**ТИЛ — МИЛЛИЙ ГУРУР ТИМСОЛИ**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди. Дунёда беш мингдан ортиқ тил ва шева бор. Уларнинг юзга яқинига давлат тили мақоми берилган, холос. Ўзбек тили ҳам шулар жумласидандир. Жорий йил «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганига йигирма икки йил тўлди.

Шу кунларда ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртрлари ва маҳаллаларда Ўзбек тили кунига бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий офицерлар саройида соҳа ходимлари ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Чилонзор академик лицейи ўқувчилари иштирокида ҳам шундай тадбир ўтказилди.

**Пойтахтимиз кундан кунга кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. Маҳаллаларнинг ободлиги, кўча ва майдонлардаги безаклар, бир-бирдан гўзал бинолар шахримиз кўрқига янада кўрк бағишлаётир. Айниқса, кўча ва майдонлардаги турли хил ёзувлар кишида ажиб бир ҳис уйғотади. Эълон ва хабарлар, реклама матнлари, кўча ва майдон номлари — барчаси ўзбек тилида, кирилл ва латин алифболарида чиройли тарзда ёзиб қўйилганлиги сабабли ҳамшаҳарларимизда ҳам, меҳмонларда ҳам кўтаринки кайфиятни юзга келтиради.**

**ОНА ТИЛИМИЗ — ИФТИХОРИМИЗ**

Шаҳримиз кўчалари бўйлаб қатнаётган автобусларни айтмасизми? Уларда битилган турли ёзувлар ҳам кишига завқ бағишлайди, ахир борар манзилимиз, бекатларнинг номи давлат тилида-да! Маҳалла номлари, бозорларимиз, турар жой мавзеларининг номлари ҳам нихоятда чиройли ёзиб қўйилганки, беихтиёр уларни кўриб кўнгилда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради. Буларнинг ҳаммаси қувонарли, албатта. Лекин ҳамма жойда ҳам бундай манзара кўзга ташланармайди. Баъзан бунинг аксига ҳам дуч келамиз. Масалан, кафе ва ресторандарда қўйилган номларни олиб кўрайлик: «Фортуна», «Ранде-ву», «ХХХ», «Венеция». Бундай «кашфиётлар»ни узок санашимиз мумкин.

Хўш, бу нимадан дарак беради? Аввало, бу — «Давлат тили ҳақида»ги қонунга ҳурматсизлик, миллий-тарихий анъаналарни менсимаслик эмасми?

Кузатишлардан маълум бўладики, Қонун талабларини тўғри англаб етган фуқароларимиз, зиёли инсонлар, кўпгина корхона ва ташкилотлар мавжуд. Улар ўзларининг кўндалиқ фаолиятида она тилимизни нуфузини оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Ана шундай жамоалардан бири — Тошкент метрополитени ходимларидир.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган дастлабки йилларда давлат тилининг тўлиқ амал қилиш доираси ва мuddати кўрсатиб ўтилган эди. Бу талаблар қаердадир бажарилди, қайдадир пайсалга солинди, кимдир бундан руқланиб она тилимизни обрўйига обрў қўшди, кимдир эса... Назаримизда, пойтахт метроси раҳбарияти ва ходимлари қонун талабларига қатъий риоя қилдилар, десак ялғишмаймиз.

Эътибор берган бўлсангиз, авваллари метро бекатларининг номлари, асосан, коммунистик мафкурага хизмат қилишга бўйсундирилган эди: Мустақиллик йилларига келиб эса вазият бутунлай ўзгарди. Аввало, бекатлар Тошкентнинг тарихий номлари билан аталадиган бўлди, яъни тарихий ҳақиқат қайта тикланди.

Метро бекатларининг номлари фақат давлат тилида, миллий-тарихий анъаналар риоясида ёзиб қўйилди. Мана бунинг қонунга риоя қилиш, давлатимизнинг тил сиёсатини тўғри англаш, дейиш мумкин. Айниқса, поез вагонларида бекат номлари ҳамда тегишли ахборотларининг она тилимиз — ўзбек тилида берилиши кишида ажиб бир гурур уйғотади. Айни шу ўринда яна бир мулоҳаза ҳам туғилади. Ўзбекистонда юздан ортиқ миллият ва элат вакиллари истикомат қилишда ҳамда улар ҳар кун метро хизматида фаол далолатчилик қилишлари билан бирортаси ҳам хабарлар фақатгина ўзбек тилида бўлгани учун метрода адашиб кетганини кўрмаганман, бошқалардан ҳам бу ҳақда эшитмадим.

Демак, айни шу ҳолатдан маълум бир ҳулоса чиқариш мумкин: Сизу бизга елкадо бўлиб меҳнат қилаётган, шу азиз туپроқни ўзларига Ватан ҳисоблайдиган ҳар бир юрдашимиз «Давлат тили ҳақида»ги қонун талабларини тўғри англаб етишган. Энди биз уларга давлат тили — ўзбек тилини тезроқ ўрганиб олишларига кўмаклаш-

— Она тилимизни асраб-авайлаш, ҳурмат қилиш, унинг аҳамиятини ошириш ва ривожлантириш зиёлилар учун ҳар доим маънавий бурч ва юксак шараф бўлган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Маънавият ва маърифат марказининг илмий-услубий бўлими бошлиғи Убайдулло Олтинов. — Шу сабабли ҳозирги замон ўзбек тили нафақат унда сўзлашувчи халқнинг мулоқот воситаси, балки ижтимоий-сиёсий, илмий ва бадий адабиёт тили ҳамдир. Тил — миллат гурури.

Тадбирда ўзбек тили дунёдаги энг қадимий ва бой тиллардан экани таъкидланди. Академик лицей ўқувчилари ижросида давлат тилини мадҳ этувчи шеър ва кўшиқлар янгради.

(ЎЗА)

моғимиз лозим. Айни шу маънода Тошкент метрополитени жамоасининг саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлашимиз мақсадга мувофиқдир.

Юнусобод даҳасининг 14-мавзесида «Самара» номи ресторан-тўйхона бор. Нихоятда шинамлиги, кенглиги, миллий безаклари ва жиҳозлари билан кишини ўзига ром этади. Мен ҳар гал уша жойда бўлганимда ушбу кошонанинг гўзаллигидан хайратланаман, ammo бир нарса мени ўйлантириб қўяди. Ушбу маскан номини қандай талаффуз этиш керак?

Самара сўзи ўзбек тилида «натижа, ҳосила, фойда» маъносига қўлланади ва ўзига хос юмшоқ талаффузга эга: ишнинг самараси, самарали меҳнат, самарадорлик омили каби бирикмалар соф ўзбекча талаффузда айтилади. Шу билан бир қаторда, жой номи — топонимни аниқлашчи Самара сўзидан ҳам фойдаланамиз. Аслида, бу сўз Россия Федерациясидаги топонимни аниқлатади ва соф русча талаффузда, ўзбекчадан фарқи тарзда қаттиқроқ айтилади. Агар бунинг урғу ёрдамида тушунтирадиган бўлсак: самара (ўзбек тилида, урғу учинчи бўғинда), Самара (рус тилида, урғу иккинчи бўғинда).

Хўш, қоридигилардан келиб чиқадиган бўлса, биз «Самара» сўзини қайси тил қондалари бўйича талаффуз этишимиз керак, деган ўринли саволнинг ҳам туғилиши табиий.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун талабларини бажариш, аслида, ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ва фуқаронинг бурчига айланмоғи керак. Бироқ, кўпинча бу борадаги камчиликлар реклама матнларида учрайди. Чунки бундай матнларнинг аксарияти рус тилида, ўзбекча матнлар эса имло хатоларга, гализ жумлаларга тўла. Ваҳоланки, қўлимизда ҳуқуқий асос бор: «20-модда. Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда озаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин».

Қадри юртдошлар! Шу азиз Ватан — барчамизники, шу юртининг ҳар бир қарич ери, дов-дарахти аҳам бўлганидек, миллий ифтихоримиз — она тилимиз ҳамда унда битилган ҳар бир ёзув ҳам сизу биз учун муқаддас бўлмоғи керак.

**Равшан ЖОМОНОВ,**  
Абдулла Қодирий номидаги Давлат Маданият институти кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ГАЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ «ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» ФИЛИАЛИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

Газдан заҳарланиш, портлаш ва ёнғин чиқиш каби бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Сиз газ истеъмолчиларидан ўз вақтида кўриқдан ўтказилмаган дудбурон ва шамоллатиш йўллари печкачилар томонидан кўриқдан ўтказилишини таъминлашингизни ва дудбурон ва шамоллатиш йўллари печкачилар томонидан кўриқдан ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

Куз-қиш мавсуми бошлангунга қадар газ асбоблари ўрнатилган хонадаги мавжуд дудбурон ва шамоллатиш йўллари, дудбурон текширувчи ташкилот печкачилари томонидан кўриқдан ўтказилиши «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турмушда газдан фойдаланиш қоидалари»да белгиланган. Дудбурон ва шамоллатиш йўллари ўз вақтида текширтириш ва созлиги ҳақидаги далолатномаларни тумангаз хизматига топшириш кўп қаватли уйларда уй-жойдан фойдаланиш хизматлари (ХУЖМШ)га, хусусий уйларда эса уй эгалари зиммасига юклатилган.

**Дудбурон ва шамоллатиш йўллари печкачилари томонидан кўриқдан ўтказилмаган хонадонлардаги газ ускуналарига газ бериш олдиндан огоҳлантиришсиз тўхтатилади.**

Дудбурон текширувчи ташкилотлар телефон рақамлари:

1. Тошкент шаҳар ёнғинга қарши кураш жамияти — 266-35-50; 265-98-55.
2. «Бунёдкор таъмир сервис» МЧЖ — 298-63-82.
3. «Бунёдкор таъмир бизнес» МЧЖ — 298-63-83.
4. «Газ печка таъмири» ХК 372-25-37.

**«ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» ФИЛИАЛИ МАЪМУРИЯТИ**

**«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан қўйидаги мулклар қўйилмоқда:**

1. 2011 йил 06 июндаги 1-5164/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, Белтепа кўчаси, 26-уй, 62-хонадон манзилда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 96,43 кв.м., яшаш майдони 66,87 кв.м., 5 та яшаш хонадан иборат уй-жой. Бошланғич баҳоси — 52 500 000 сўм.

2. 2011 йил 12 майдаги 1-4208/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Файзи бандан кўчаси (собиқ Калинин Мавзук кўчаси) 4-уй, 55-хонадон манзилда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 50,32 кв.м., яшаш майдони 26,68 кв.м., 2 та яшаш хонадан иборат уй-жой. Бошланғич баҳоси — 34 000 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 22 ноябрь кунни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Лицензия: RR-0001

ОАЖ «Биринчи Автокорхона» маъмурияти «Д» тоифали 3 йил меҳнат стажига эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади. Ўртача ойлик маоши 500 000 — 600 000 сўмни ташкил этади.

Мурожаат учун телефонлар: 290-28-91, 290-90-21.

**ЎҚУВЧИЛАР ИҚТИДОРЛАРИНИ КЎРСАТДИЛАР**

**Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 22 йиллиги юртимиздаги барча ўқув масканларида кенг нишонланмоқда.**

Ана шундай маърифий тадбирлардан бири Учтепа туманида жойлашган 4-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

Дастлаб мактабнинг жонқуяр устозлари Зулайхо Полвонова ва Умида Абдукаримовалар томонидан синфларда янги педагогик технологиялар асосида очик дарслар ўтказилди. Дарслар қизгин мунозараларга бой бўлди. Бунда ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, ўз билимларини синов қўрдилар. Шундан сўнг «Тил-миллат кўзгуси» деб номланган байрам тадбири ташкил қилинди. Тадбирда мактабнинг иқтидорли ўқувчилари томонидан она тилимиз асосини, буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг газаллари ифодали ўқилди ҳамда саҳна кўринишлари намойиш этилди. Айниқса, ўқувчи қизлар ижросидаги музикий чиқишлар барчага манзур бўлди.

Тадбирда ота-оналар, маҳалла фаоллари ва фахрий устозлар иштирок этди. **Нигора ЗОКИРХОН** қизи **Козим Улмасов** олган сурат



**ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ**

россиялик ва қозғистонлик соҳа мутахассислари ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

— Тадбирда бир қатор вакцинапрофилактика масалалари, чақалоқлар касалликлари ташхиси, даволаш ва реабилитация қилиш ишлари, шунингдек, чақалоқларга кўрсатиладиган амбулатор ва шифохона ёрдамидаги такомиллаштириш юзасидан халқроқ даражаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш имконияти туғилди, — дейди Республика Педиат-

рия институти катта илмий ходими Лола Умарова. — Унда МДХ давлатларида олиб борилаётган ишлар билан танишиб, тизимни такомиллаштириш, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, соғлом бола туғилиши миқдорини ошириш вазифалари юзасидан ўзаро фикр алмашди. Бу каби анжуманлар вилоятларда фаолият олиб бораётган мутахассисларни дунё тиббиётидан бохабар этиш, уларнинг билим-кўникмасини янада ошириш ва

тажриба орттиришига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда мазкур тизимнинг тадрижий ривожланишига ҳисса қўшаётган дори-препаратлари ишлаб чиқарувчи фирма ва корхоналарнинг маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда Бельгия, Украина, Швейцария, Россия каби бир қатор етакчи давлатлар билан ҳамкорликда яратилаётган дори воситаларни намойиш этилди.

— «Novatio» фирмаси томонидан чиқарилаётган препаратлар шуниси билан аҳамиятлики, унда ўлкамизда ўсадиган ўсимликлар таркибидеги витаминлар жамланган, — дейди фирма координатори Назира Халимбетова. — Украинаник мутахассислар билан ҳамкорликда ўн бешга яқин дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Антигельминт, антиос, гепанол, поносол каби дори маҳсулотлари киши организми учун биринчи навбатда фаллаштирувчи хусусиятга эга бўлиб, ўздан сўнг ноҳўя ҳолатларни келтириб чиқармайди. Бугунги анжуманда фирмалар иши билан яқиндан танишиб, фармацевтика соҳасида эришилаётган ютуқлардан хабардор бўлдик.

**Наргиза АСАДОВА,**  
«Туркистон-пресс»

